

(Шох Жахон билан Мумтоз Махал)

Шох Акбар 13 ёшида хукмдор бўлиб, 50 йил давлатни идора килгач, 1605 йилда вафот этаркан, тахтни тўнгич ўгли Жахонгир (1569-1627)га топширган эди. Жахонгир 22 йил хукмдорлик килди, унинг беш ўгли ва икки кизи бор эди. Хамма ўғилларига машхур подшоҳларнинг исмларини қўйган, чунончи, тўнгич ўғлининг оти Хусрав, кейингиси Парвиз ва учинчиси Хуррам ва хоказо эди. Ўзи тозақўнгил, табиатни ва овни яхши қўрар, адолатни ва сабр-каноатни ўзига яшаш йўриги деб биларди. Аммо бора-бора ичкилик ва корадорига ружу қўйгани боис ундан қўпчиликнинг қўнгли совуди. Энди унинг холини қўриб, тўнгич ўгли Хусрав тахтни эгаллаш пайига тушиб колди ва отасига карши исён қўтарди. Жахонгир уни енгиб, хибсга ташлади. Аслида Жахонгирнинг хар бий салохияти у кадар кучли эмасди, унинг бу тарафини яхши билган амалдорлар вилоятларда тез-тез қўзғолон килиб туришарди. Жахонгиршоҳнинг учинчи ўгли шахзода Хуррам Ражпут шохинаси Манмати исмли хотинидан 1592 йилда Лахорда тугилган эди. У 20 ёшдан ўтганда (1612 йилда) 19 ёшли Аржумандга уйланди. Чунки шахзода икки марта уйланган ва хотинларига қўнғил қўймаган, уларга локайд муносабатда эди. Бу галги уйланиши жуда муваффақиятли бўлди.

Гап шундаки, Жахонгиршоҳ 1611 йилда Акбаршоҳнинг бош вазири Ётимод Давлатнинг набираси Мехринисо исмли кизга уйланди. Аржуманд эса, Мехринисонинг акаси, сарой бошқарувчиси Осафхоннинг кизи эди. Бу эса, валиахдлик учун ака-укалар ўртасидаги курашда унинг имкониятларини оширар эди. Яна устига устак Аржуманд ўткир ақл-идрок, дид-фаросати, тадбиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенгсиз гўзаллиги билан сарой аёллари ўртасида назарга тушган ва хурмат қозонган эди. Жахонгиршоҳ уни чин қўнғилдан ардоқлар эди.

Ўгли Хуррамни унга уйлантиришганда, тўй куни келиннинг қўп тарафлама қобилияти ва билимларини санаб ўтаркан, уни Мумтоз Махал (Саройнинг Қўрки) деган унвонга лойик қўришини айтади, шу-шу хамма уни Аржуманд эмас, Мумтоз Махал деб атай бошлайди. Шахзода мумтоз Махални каттик севди, киз хам уни... Доим меҳру муҳаббатда, хамфикрликда яшадилар. Агар ота-бола (Жахонгиршоҳ ва Хуррам) ўртасида келишмовчилик ё низолар чикиб колса, хушёр ва окила келин масалани хал қилишга қилишар ва бу ишнинг уддасидан чикарди.

Хуррам ва Аржуманд тўрт йилда тўрт фарзандли бўлдилар. Хуриалнисо ва Жахоноро исмли кизлари, Дара (Дурё бўлса керак) ва Мухаммад Султон исмли ўғиллари барча кон-кариндошларининг севимли болалари эди. Аммо тўнгич кизлари Хуриалнисо 1616 йили, энг ширин ва жовиллаган бир пайтида, уч ёшида вафот этди. Бу мусибат ёш она ва отанинг калбларини ҳеч юпатиб бўлмайдиган фарзанд доғида қуйдирди.

Айнан шу йили Хиндистоннинг Дахкон минтакасида қўп можаролар қўтарилиб, ҳеч тинчимаётгани хақида хабарлар келаверди.

Дахкон санскритча «дакшина», пракритча «даккхино» сўзидан олинган бўлиб, «жануб мамлакат» деган маънони билдиради ва у Хиндистоннинг жануб қисмида жойлашган эди. Шимолдан Винтхйа тоғлари билан, шимоли жануб орасидаги табиий чегаралар билан, шарку гарбдан денгиз билан, жанубдан Кришна дарёси билан ўранганди.

Кришнанинг жанубида колган мамлакатлар Хиндистон яримороли дейиларди. Бу ерлар хали ражлар кўлида, Бобурийлар салтанатидан айро яшарди. Кадимий Дакхонда Кўнкон, Махараштра, Бенгола, Телингона, Гўндвана деган кичик-кичик давлатлар бўлиб, улар бир-бири билан чикишмасдилар ва бунинг окибатида халкларнинг яшаш даражаси огирлашарди. Бу ерларга илк мусулмонлар 1294 йилдан окиб кела бошлагандилар. Улар 1525 йилга келиб олдин беш давлатга, кейин уч давлатга айланган эди. Жахонгиршоҳ Дакхондаги нотинчликларни хисобга олиб, у ерни ҳам Хиндистон салтанатига кўшиб, ягона марказлашган давлатга айлантиришга киришди ва хаёлини давлат ишларига жалб килиш, айна чоғда жанг қобилиятини чиниктириш мақсадида Даххон урушига бош килиб юборди. Хуррам Дакхондаги ражлар билан жангда жуда буюк муваффақият қозонди, бу ерларни тўла-тўқис эгаллаб, Бобурийлар ҳокимиятини ўрнатиб қайтди. Шу муносабат билан Хуррамга Шох Жахон унвони берилди. 1622-25 йилларда Хуррам (Шох Жахон) отасига қарши кўзғолон кўтарди, аммо Жахонгиршоҳ уни енгди, Аржуманднинг оқилона тадбирлари туфайли отаси уни кечирди.

Бундан кейин Шох Жахон ва Мумтоз Махал гўзал ва муҳаббатли ҳаётларини давом эттирдилар ва ота вафотигача яна олти фарзанд кўрдилар. Мумтоз Махал яхши-ёмон кунларда ҳам, огир дамлар ва ҳарбий сафарларда ҳам, ҳар доим эри билан бирга бўлар, садокатли ҳамроҳ, жафокаш дўст бўлиб ўзини кўрсатарди...

Жахонгиршоҳ 1627 йилнинг октябрида Кашмир-Лахор йўлида вафот этди ва Шох Жахон исёнкор акаси Хусравни қатл эттириб, 1628 йил феврилида Аграда тахтга ўтирди. Кўп ўтмай Бундалос ва Хон Жахон Лўди исёнлари бошланди. Мумтоз Махал бу исёнларни бостиришда ва бошқа салтанат ишларида ҳам Шох Жахонга ёрдамлашиб, ўринли ва режали маслаҳатлари билан ҳукмдорни тўғри йўлда тутиб боришда давом этди...

Саройда у маслаҳатчи ва муҳрдорлик лавозимида эди. Бир-биридан ҳеч ажралишмайдиган эр ва хотин ота вафотидан кейин ҳам яна тўрт бола кўрдилар. Аммо ўн тўртинчи фарзанднинг тугими фожиали келди. Сўнгги кизи дунёга келаркан, ўзининг ҳаёти таҳликада қолди. Мумтоз Махал Шох Жахон ҳукмронлигининг тўртинчи йили, 1631 сананинг 17 июнь чоршанба куни, Бурхонпурда кўзи ёриш жараёнида, 38 ёшида вафот этди.

Ривоятларга қараганда, Мумтоз Махал ҳаётдан кўз юмиш олдида, эридан фарзандларига меҳрибон бўлишни, бошқа уйланмасликни ва ўзига бетакрор бир макбара қурдиришни сўради. Болаларига, хусусан, кизи Жахон Орога отасини ҳеч қачон қаровсиз қолдирмаслик вазифасини юклади.

Шох Жахон учун севиқли хотинидан бу васиятни эшитиш ўринсиздай кўринар, у бу гапларсиз ҳам бошқа уйланишни ўзига эп кўрмас, болаларини кўзининг учида тарбиялашни, хотинига жахонда ягона бир обида қуришни ўйлаётган эди. Хатто шу ишларнинг ҳаммасини адо этса ҳам, яна кўнгли хувилаб ётишини биларди. Зотан, у хотинидан кейинги 36 йиллик умри давомида уйланмай ўтди. Болаларига кўлидан қелганини қилди. Кизи Жахон Оро Шох Жахон тахтга ўтирганда эндиgina ўн тўртта қирган эди. Онаси вафот этган пайтда ўн еттидан ошган эди. Отаси унга қирк минг дона ёкут жавахир инъом этиб, яна йилига олти юз минг рупий миқдорида нафақа белгилади. Ва кизи отасига то вафот этган 1666 йилгача хизмат қилиб умр кечирди.

Шох Жахон хотинининг вафотидан кейин бутун фаолиятини давлат ишларига, шу жумладан Мумтоз Махалнинг қабри устида жахоншумул гўзал бир макбара – Тож махални қурдиришга бағишлади. 1636 йилда Аҳмаднигорни қўлга қиритди. Гўлканд ва бижапурни сотиб олди, шимоли-ғарбдаги чегараларини қенгайтди, 1638 йилда

Кандахорни, 1646 йилда Бадахшон ва Балхни эгаллади. 1648 йилда бошкентни ўзгартирди: Аградан Дехли кўчирди. Яна Шохжаҳонбод номли янги бир шаҳарни барпо эттирди. Хотининг Аградаги қабри устида 22 йил давомида мухташам тош Маҳал макбарасини қурдирди. Хозир бу обида буюк муҳаббат рамзи ва Хиндистонинг эн асосий архитектура ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Тож Маҳал учун ажратилган ер билан бирга мавзолей қурилиши учун 22 йил ичида йигирма минг ишчи ишлатилди. Салтанатнинг энг яхши меъморлари ишга жалб қилиниб, лойиҳалар танлови ўтказилди. Шерозлик Устоз Исонинг плани аъло деб топилди. Бу ерга келган юбарча саёҳатчилар, шу жумладан, гарблик сайёҳлар ҳам уни шарқнинг чинакам шохасари деб баҳо бердилар.

Оқ мрамрлар кесимидан бўлган макбара – бутун майдон ҳам оқ мрамр 313 кадам (бир кадам метрнинг учдан бирига тенг келади) мураббасида (тўртбурчак шаклли мрамр кесимли зинапоёси) 18 кадам юксакликда бир фундамент устида қурилган.

Фундаментнинг тўрттала бурчагида бир-бирига мутаносиб тўртта куббали минора қад кўтариб турадики, улар чодирни эслатади... Бу минораларнинг баландлиги 133 қдаам бўлиб, уч шарафали (балконли)дир. Фундаментнинг қок ўртасида – макбаранинг ўзи. Бурчаклари 33 кадам 9 пус (1 пус 25,5 мм га тенг) узунликда кесилган ва диоганали 186 кадам мураббали узун фундамент устидан, олд тарафнинг тамалидан 92 қадаму уч пус тепададир. Макбаранинг ўртасини 58 қадаму бир диаметрлик ва синчдан 74, фундаментдан 191 қдаам юксакликка етган асос кубба тож бўлиб туради. Макбарага тўрттала омондан қириш мумкин. Тўрттала томоннинг ҳар бирида баланд қамарли бир равок бор. Уларнинг ҳар бирида икки қаватни ичига олган, куббали бир ҳужра бор. Бу ҳоналарнинг ҳар бирининг устида куббали бир чодир бор ва ҳар бирининг уч ташки деворида икки қават ҳолида тартиб берилган ва гулдор панжараларга ёруғлик берадиган қамарли олти ниш бор. Бу нишлар ҳудди қатта равоклардай арқлидирлар. Қатта куббанинг тагида, ўртада ҳар иққаласи ҳам қитоблалар билан нақшланган Мумтоз Маҳалнинг бўш тобути билан ёнида эрининг бўш тобути қўйилган. Ҳақиқий тобутлар бўш тобутларнинг остида қамин қаватидаги тупроқ устида бўлиб, бўш тобутлардан оз нақшлидир. Равокларнинг қамарлари арабча қитобалар билан қопланган ва қозиқалидир. Бениҳоя талабқан санъат танқидчилари, жумладан Фергюссон ҳам Тож Маҳал ҳақида қўйлаб, «у қўзалликларнинг бу қаражадаги қармонияси, ҳар бирининг бошқаси билан уйғунлигининг муқаммаллиги, бутун дунёда тенги бўлмаган бир санъат шох асарини вужудга қелтирган» деб ёзган эди.

Шарқда муҳаббат йўлида қўйилган бу қадар буюқ обида намунаси бошқа ўарбда ҳеч қаерда йўқлиги айна ҳақиқатдирки, бу қарада Фергюссоннинг фикрига қўшилмасликнинг ҳеч иложи йўқ.

Миразиз АЪЗАМ

«Буюқлар муҳаббати»дан